

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1001-ҳадис**

1001 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَسَلَّمَ لَا يَطْرُقُ أَهْلَهُ
لَيْلًا، كَانَ يَأْتِيهِمْ غُدُوَّةً أَوْ عَشِيَّةً. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 1800، م 1928].

«الطُّرُوقُ»: الْمَجِيءُ فِي اللَّيْلِ.

1001. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам (сафардан қайтганларида) аҳллари олдида тунда кириб бормас эдилар. У зот уларнинг олдида эрталаб ёки куннинг иккинчи ярмида келар эдилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Сафарда ахлоқий муомалаларни баён қилган ушбу ҳадис, сафарда уйга қайтаётганда керакли ҳолатларни ҳам билдирмоқда.

Биринчи ҳадисда Расулуллоҳ с.а.в. узун вақт оиласидан олис қолган кимса, хабарсиз тун ярмида уйга қайтишини тўғри деб кўрмаганлар. Кунимиз давомида инсонлар билан хабарлашиш қулай. Шунга қарамай ҳар қандай сабаблар туфайли уйга хабар қилмаган кимса, бу одобга амал қилиб кундуз вақтида уйга қайтишга ҳаракат қилиши керак.

Иккинчи ҳадисда Пайғамбаримиз с.а.в. ўзлари ҳам сафардан қайтганда бу нарсага амал қилганлари, уйларида чошгоҳ вақти қайтганлари айтилган. Аслида араб мамлакатларида чошгоҳ вақти ва аср намозидан кенгинги вақтлар салқин ва ҳамма уйғоқ ва ҳаракатда бўлган вақтлардир.

Имом Бухорийдан келган бир ривоятда Пайғамбаримизнинг шоири Абдуллоҳ ибн Равоҳа узун бир сафардан кечаси уйга қайтганлиги, шу вақт

бир аёл Равоҳанинг хотинини сочларини тараётганини, аёлни эркак деб ўйлаган Абуллоҳ қиличини олиб у аёлга қараб ҳаракат қилганлиги ва сўнгги дақиқада ҳолат аниқланиб, жиноятнинг олди олинганлиги айтилади. Шунинг унутмаслигимиз керакки, Аллоҳ ва Расули тақиқлаган амалларда жуда кўп фойдалар мавжуд.

Манба: hadis.islom.uz

